

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz • 2013 йил 3 май • № 18 (935)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 68 йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 500 000 (беш юз минг) сўм миқдоридан бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадиий академия, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадиий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри.
2013 йил 25 апрель.

УЛАРНИНГ НОМЛАРИ ДОИМО ҚАЛБИМИЗДА



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрам сифатида кенг нишонланаётганига ҳам 14 йил бўлди. Эндиликда ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, ушбу сана кўпмиллатли, мустақил диёримизда нафақат Хотира ва қадрлаш, балки Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган тарихий ғалабанинг 68 йиллиги куни сифатида ҳам ўтказилади. Шу боис донолар айтганидек, мозийга қайтиб иш кўриш хайрли эканлигини асло унутмаслигимиз жоиз.

Зотан, тарих сабоқларидан тўғри хулоса чиқариш, юртимиздаги барқарор тинчлик, осойишталик, фаровонлик, истиқлол қадрига етиш, янги уруш оловини ёқувчи ғаламис, ёвуз кучларга қарши тиш-тирноғимиз билан курашимиз, ҳозирги таҳликали замонда ҳамқадамликда, огоҳлик ва хушёрликда, аҳил ва тотувликда яшашимиз давр талаби ва ҳаёт тақозосидир.

Зеро, хотира ва қадрлаш асл миллий қадриятларимизга мос, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб қолган ҳам диний, ҳам инсоний урф-одатларимиз, фазилатларимизга тўлиқ ҳамоҳанглиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек: “Ўтганларнинг номларини ёд олиш, хотирасини ҳурмат билан эшлаш, уларнинг руҳларини шод қилиш муқаддас одат сифатида қон-

қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган”. Буни ёшларимиз онги, тафаккурига чуқурроқ сингдириш, уларни ҳақиқий эл-севар, ватанпарвар, ҳар томонлама етук ва баркамол, фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш биз каби нуроний устоз-мураббийларнинг зиммамиздаги қарзимиз ва фарзимиздир, албатта.

Чунки, юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг кадр-қиммати, ор-номуси, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлган минглаб ватандошларимиз хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланади.

Беш йил давом этган ва дунёдаги кўп халқлар бошига не-не кулфат ва фожиалар ёғдирган урушнинг жабру жафоси Ўзбекистонимиздаги бирон-бир хонадонни четлаб ўтган эмас. Гарчи орадан 68 йил вақт ўтган бўлса-да,

ўша даврдаги машъум йўқотишлар ҳозирги кунда барҳаёт бўлган ота-оналаримиз, авлод-аждодаларимиз дилларини ларзага солади. Улар ҳамон урушда йўқотган азиз жигарбандларини эслаб, зор қақшайдилар.

Бу бежиз эмас. Расмий ҳужжатларга мурожаат этсак, куйидаги маълумотлардан хабардор бўламиз. Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан 1 миллион 433 минг 230 нафар эркалар, 500 мингга яқин хотин-қизлар сафарбар бўлишган. Агар 1941 йилда республика аҳолиси 6,5 миллион кишини ташкил этган бўлса, ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олмаганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроғи кўлига қурол олиб, аёвсиз жанг майдонларига, ўт-олов ичига киришган.

Энг ачинарлиси шуки, 604 минг 52 нафар ҳамюртимиз уруш майдонларидан ногирон бўлиб қайтган. Бу даҳшатли жангда қарийб 500 минг нафар юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи жангларда қаҳрамонларча ҳалок бўлган, бегона юрт тупроқларида қолиб кетган. Ахир улар азиз ва муқаддас, қутлуғ макон,

(Давоми 3-бетда).

ФАОЛИЯТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида аҳолига кўрсатилаётган ихтисослашган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, ихтисослаштирилган тиббий хизматнинг ташкилий-услубий тизимини такомиллаштириш ва ушбу жараёнга тегишли соҳаларнинг етук мутахассисларини жалб этиш мақсадида вазирлик тасарруфидаги етакчи муассасаларнинг раҳбарлари ва Бош мутахассислари (маслаҳатчилари)нинг фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Соғлиқни сақлаш вазири А. Алимов кириш сўзи билан очиб, вазирликнинг бош мутахассислари ва маслаҳатчилари фаолиятини доимий назоратга олиш ва уларнинг иш сифати, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қўшаётган ҳиссалари тўғрисида ўз фикрини билдириб ўтди. Бунинг баробарида бош мутахассисларнинг самарали меҳнатлари ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қўшаётган хизматлари учун уларга қўшимча имтиёз ва устама ҳақи тўлаш тўғрисида ҳам вазирликнинг махсус буйруғи ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Шунингдек, ҳар бир вилоятдаги соҳа мутахассисларига фаолиятларини янада такомиллаштириш мақсадида стратегик дастур тузиш вазифаси топширилди.

Видеоселектор

ЖИДДИЙ ЁНДАШУВ ЗАРУР

Жорий йилнинг 26 апрель куни Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги видеоселектори бўлиб ўтди. Унда тизимдаги долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров кириш сўзи билан очиб, давлатимиз томонидан соҳага оид чиқарилаётган қарорлар ижроси бўйича республика тиббиёт муас-

ни тўғри юритишни такомиллаштириш юзасидан қабул қилинган буйруқ лойиҳасини ўқиб эшиттирди. Айниқса, мазкур йўналишда ислохотлар жараёнида амалга оширилаётган ишлар натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб бораётган-

билан таъминлаш, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш, коллежлар раҳбарлари, ўқитувчи ходимларнинг малакасини ошириш, таркибини ёш, тажрибали мутахассислар ҳисобидан шакллантириб бориш ва таълим сифатини яхшилаш, коллежлар моддий-техника базасини янада мустақамлаш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилганлиги ҳам қайд этилди. Шу билан бирга, амалдаги фаолиятлар билан бир қаторда ушбу ишларни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида тизимда олиб борилаётган ишларга айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклифи киритилди.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 март куни ўтказилган йиғилишида Қашқадар вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1652-Қарори ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар муҳокама қилинган эди. Ушбу видеоселекторда қарор ижросини бажарилиши бўйича фаолиятлар таҳлил қилиниб, керакли тавсиялар берилди.

Видеоселектор кун тартибидан ўрин олган муҳим масалалардан бири республика тиббиёт муассасаларида Инвестиция дастури бўйича амалга оширилаётган ишларга атрофлича тўхтаб ўтилди. Маърузачи моддий техник базасини ривожлантириш Бош бошқармаси бошлиғи Ф. Шарипов жорий йилда Инвестиция дастури доирасида соғлиқни сақлаш тизими бўйича жами 143 та объектда қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш режалаштирилганлигини, шундан 42 тасида янги қурилиш ва 101 тасида реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган-

лигини таъкидлаб ўтди. Инвестиция дастури доирасида ажратилган маблағлардан оқилонга фойдаланган ҳолда қурилиш ва реконструкция ишлари изчиллик билан давом этаётганлиги ва мазкур объектларда 2013 йилнинг 15 апрель ҳолатига, жами 73,8 млрд. сўм миқдоридан маблағ ўзлаштирилди, ҳозирги кунга 85,4 млрд. сўм молиялаштирилганлигига урғу берилди.

тибб олинисини ташкиллаштиришга эътибор қаратилиб, бу борада тендер савдоларида қўлга киритилган ижобий натижалар билан биргалликда айрим камчиликлар ҳам борлиги таъкидланди.

Шунингдек, республика тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган мутахассисларни аттестациядан ўтказиш тартиби, кадрлар тақсимо-



сасаларида амалга оширилаётган ишлар хусусида атрофлича тўхталди. Видеоселектор кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзулар доирасида вазирлиқнинг мутасадди раҳбарлари ўз фикрларини билдирдилар.

Шунингдек, кун тартибидан навбатдаги масала, яъни Адлия вазирлиги томонидан соғлиқни сақлаш тизимида фуқароларнинг муҳофазатлари ва имтиёзли йўлланмалар бўйича ўтказилган текширувлар юзасидан тақдимнома ўқиб эшиттирилди.

Вазирлиқнинг мутасадди раҳбари Д. Миразимов соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўлинида олиб борилаётган ишлар ва меъёрий ҳужжатлар-

лигини таъкидлаб ўтди. Бунинг баробарида ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида тиббиёт ходимларини оилаларга чуқур кириб бориши, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича истиқболли режалар ишлаб чиқилганлиги ҳамда ҚВПларда рейтинг тизимини янада такомиллаштириш масалалари хусусида сўз юритилди.

Тиббиёт коллежларида сифатли таълим жараёнини ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил қилиш, шунингдек, битирувчиларни ўз мутахассислигига мос иш билан таъминлаш бўйича амалга оширишнинг Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Ў. Исмоилов батафсил ахборот берди. Шу ўринда тиббиёт коллежи битирувчиларини иш



Навбатдаги масала юзасидан Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Жалилов ҚВПлар учун дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивларни марказлашган харида бўйича амалга оширилган ишларга урғу бериб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 январьдаги 07/1-537-сонли йиғилиши қарорига асосан 2012 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари томонидан қишлоқ врачлик пунктлари учун тендер савдолари асосида марказлашган ҳолда дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивлар со-

бўйича ҳамда эпидемиологик барқарорликни таъминлаш мақсадида юқумли касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича ўтказилаётган оммавий эмлаш ишлари хусусида ҳам атрофлича тўхтаб ўтилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ушбу видеоселектор таҳлилий тарзда ўтказилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳри, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари ва барча масъул ходимлар онлайн услубида мулоқот олиб бордилар.

Юқорида кўрилган асосий масалалар бўйича вазирлиқнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Қарор ва ижро

Сирдарё вилояти

ФАОЛИЯТЛАРДАГИ АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ

Жорий йилнинг 22 апрель куни Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами ҳолати, ушбу йўналишдаги мавжуд муаммолар ечимига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, ҳудудий соғлиқни сақлаш тузилмалари ва даволаш-профилактика муассасалари раҳбарлари, ДСЭНМ бош шифокорлари, оилавий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари, тизимдаги коллеж директорлари иштирок этди.

Йиғилишни Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари Д. Ҳайдарова кириш сўзи билан очиб, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишлар, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш борасида эришилган ютуқларга асосий эътиборни қаратди. Жумладан, вилоят соғлиқни сақлаш тизимидаги амалий фаолиятлар билан бир қаторда, мавжуд му-

аммоларга ҳам тўхталиб, бу борада барча зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиққан ҳолда масъулият билан уларни барта-раф этишга ёндошиш муҳимлиги таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров соҳага оид қатор фармон ва қарорларнинг инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари учун нечоғлик муҳим эканлигини ҳамда республика тиббиёт тизимида ислохотлар жараёнида соҳанинг ҳар бир йўналишида туб ўзгаришлар бўлаётганлигини эътироф этди. Бундан ташқари, маърузачи бу борада аввало давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги 2107-Фармонида белгилаб берилган устувор

вазифалар босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги натижасида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ошиб бораётганига урғу берди.

Кун тартибидан ўрин олган асосий масалага эътибор қаратилар экан, Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1652-Қарори ижроси бўйича изчиллик билан олиб борилаётган ишлар кўламини янада кенгайтириш, соҳа ривожини учун масъулият ва шижоат билан ишларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Бу борада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тегишли қонунларга замон талабидан келиб чиққан ҳолда ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, ихтисослаштирилган ва шошилинч тиббий ёрдам марказлар фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳада нодавлат секторини ривожлантириш,

меъёрий-ҳуқуқий базани мустақамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, психиатрия, суд-экспертиза тузилмалари ишини мувофиқлаштириш, санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш, касалликлар профилактикасини кучайтириш, шунингдек, Инвестиция дастури доирасидаги ишларни изчиллик билан давом эттириш тегишли қарорнинг асосий мақсади бўлиб, бу йўналишда масъулиятни янада кучайтириш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Йиғилиш давомида вазирлиқнинг мутасадди раҳбарлари томонидан вилоятда даволаш-профилактика муассасаларининг аҳоли репродуктив саломатлигини мустақамлаш ва соғлом оилани шакллантириш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш мақсадида тарғибот ишларини кучайтириш, туман

тиббиёт бирлашмалари, туман кўп тармоқли поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий санитария ёрдами ҳамда юқумли касалликлар профилактикаси, шифохона ичи инфекциясининг олдини олиш, ОИВ тарқалишига қарши кураш борасида амалга оширилган ишларга алоҳида урғу қаратилди.

Мутахассисларнинг таҳлилий натижаларига қўра, ютуқли натижалар билан бир қаторда айрим тиббиёт муассасаларида учраётган камчиликлар тўғрисида мулоҳаза юритилди. Кун тартибидан ўрин олган асосий масалалар бўйича вилоят соғлиқни сақлаш тизими тасарруфидан фаолият юритаётган раҳбар-ҳодимларига зарурий тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Кун тартибидан барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Саҳифа материалларини
Ибодат СОАТОВА тайёрлади.
Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Истеъдодли ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ - ҲАМИША ОЛДИНДА

Кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиадаси якунланди. Ўзбекистон вакиллари 2 олтин, 5 кумуш ва 8 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Бу йилги интеллектуал марафонда 17 жамoa – Озарбайжон, Беларусь, Болгария, Венгрия, Қозоғистон, Қирғизистон, Литва, Македония, Молдова, Россия, Руминия, Саудия Арабистони, Тожикис-

тон, Туркменистон, Туркия, Украина ва мезбонлар – жонажон Ўзбекистонимиз вакиллари иштирок этди. Етти кун давом этган олимпиадада уларнинг ҳар бири ўз юртининг шарафини муносиб ҳимоя қилди, жамoалар таркибидаги 117 нафар йигит-қиз ушбу халқаро мусобақанинг ғолиби бўлиш ва нуфузли олий ўқув юртларига имтиҳонсиз ўқишга кириш ҳуқуқи учун баҳслашди.

Тақдирлаш маросими М. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент филиалида бўлиб ўтди. Москва давлат университетининг кимё факультети декани, академик Валерий Лунин, олимпиада юқори савияда ўтказилганини таъкидлагани ҳолда, мамлакатимиз раҳбариятига иштирокчиларга яратилган кенг шарт-шароит учун самимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистонда ёшлар таълими ва тарбияси масалаларига катта эътибор қаратилаётганини қайд этди.

Мамлакатимиз Президенти томонидан ўсиб келаётган ёш авлодга кўрсатилаётган доимий ғамхўрлик ва эътиборнинг юксак самаралари Ўзбекистон ёшларининг турли халқаро интеллектуал ва спорт мусобақаларида, фан олимпиадаларида эришаётган улкан ютуқларида ўз ифодасини топмоқда.

Кимё фани бўйича 47-халқаро Менделеев олимпиада-

си икки назарий ва битта экспериментал (амалий) турдан иборат бўлди. Биринчи назарий турда ихтисослаштирилган кимё синфлари дастурига мос келадиган 8 мажбурий вазифа қамраб олинди. Иккинчи тур кимё фанининг беш бўлимини ўз ичига олган бўлиб, ҳар бир бўлим бўйича учтадан савол келтирилган, иштирокчилар ўз хошишига кўра, улардан бирини ечиши керак эди. Экспериментал тур давомида иштирокчилар моддаларни кимёвий таҳлил қилиш ва тақлиф этилган услубиёт асосида синтезни ўтказиш бўйича ўз кўникмасини намойиш қилди. Уч тур натижаларига кўра иштирокчилар кўпи билан 230 балл тўплай олиши мумкин эди.

Иштирокчилар учун фойдали ва қизиқарли ҳордиқ чиқаришни ташкил этиш мақсадида махсус маданий-маърифий дастур ишлаб чиқилди. Унда Тошкент ва Самарқанднинг диққатга сазовор жойларига саёҳат,

мамлакатимиз ўқув юртларидаги таълим жараёни билан танишув, концертлар кўзда тутилган эди.

– Олимпиададаги иштироким менда унутилмас таассуротлар қолдирди, – дейди Тисауяварош шаҳридаги Жозеф Этвош номидаги ўрта мактаб ўқувчиси Питер Болгар (Венгрия). – Ўзбекистон – қадимий тарих, бетакрор табиатга эга бўлиб, одамлари бағрикенг, ёшлари эса бағоят иқтидорли экан. Менга, айниқса, юқори тезликда ҳаракатланувчи “Афросиёб” поездида Самарқандга сафаримиз жуда ёқди. Бу қадим шаҳардаги қатор таълим муассасаларини бориб кўрдик. Эътиборлиси, Самарқанд ўзида тарихийлик билан замонавийликни уйғунлаштирган энг гўзал шаҳарлардан бири экан. Кўпроқ суратга олишга ҳаракат қилдим, дўстларим ва яқинларимга ўз таассуротларимни сўзлаб беришимда бу суратлар жуда асқотади.

Кимё фани бўйича 47-халқаро



ро Менделеев олимпиадасида иштирокчилар 11 олтин, 23 кумуш ва 36 бронза медални учун мусобақалашди. Ўзбекистон вакиллари 2 олтин, 5 кумуш ва 8 бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Айни пайтда Россия, Беларусь ва Украина жамoалари ҳам юқори кўрсаткичларга эришди.

– Аввало, олимпиада юксак даражада ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятидан миннатдоримиз, – дейди Беларусь жамoаси раҳбари Денис Шклярчук. – Ўзбекистонда ёшлар камолотига қаратилаётган эътибор, айни пайтда йигит-қизларнинг ҳам бу имкониятлардан оқилона фойдаланаётганини эътироф этиш жоиз.

– Менделеев олимпиадаси

ҳақиқий билим ва дўстлик байрамига айланиб кетди, – дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг С. Сирождидинов номидаги академик лицейи иккинчи босқич талабаси, олтин медаль соҳиби Дилшоода Ортиқбоева. – Биз, Ўзбекистон ёшлари, таълим соҳасида яратилган кенг шарт-шароитлар, ўз салоҳиятимизни намойиш этиш ва касб ўрганиш борасидаги имкониятлар учун мамлакатимиз Президенти Ислоом Каримовдан беҳад миннатдоримиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икромов сўзга чиқди.

Сардор **ТОЖИЕВ**,
ЎЗА мухбири.

Ҳамкорлик ришталари

ТИББИЁТ ТУРИЗМИ ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИ НИГОҲИДА

Жорий йилнинг 29 апрель куни пойтахтимизда Жанубий Корея Республикасида юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари ва истиқболларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жанубий Кореянинг тиббий туризми бўлимининг мутахассислари ҳамда Ловеко компанияси томонидан ташкил этилди. Унда Жанубий Корея Республикаси етакчи клиникалари ва марказлари мутахассислари Корея тиббиёти ютуқлари ва саломатлик туризми тўғрисидаги тақдимотлари билан қатнашдилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяров иштирок этиб, айни кунда республикамизда тиббиёт туризми соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар, Ўзбекистон ва Кореянинг тиббиёт йўналишидаги ҳамкорликлари тўғрисида тўхталиб ўтди. Шунингдек, Республика илмий-амалий тиббиёт марказлари ва клиникаларидан иштирок этган мутахассислар мавзу доирасида ўзаро фикр алмашдилар.

Тиббиёт туризмининг ташкил этишдан мақсад – аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда шифо масканларини жаҳон стандартларига мос равишда жиҳозлаш, молиявий ва ташкилий менежмент тамойилларини янада ривожлантиришдан иборатдир.

2013 йилнинг 19-22 апрель кунлари Туркия давлатининг Измир шаҳрида Туркия тиббиёт туризми ассоциацияси (Turkish Healthcare Travel Council) томонидан «Дунёда учинчи авлод (геронтология) саломатлигида тиббиёт туризмига» («World Health & 3rd Age Tourism») бағишланган Конгресс бўлиб ўтди. Ушбу Конгресс Туркия тиббиёт туризми ассоциацияси (ТНТС) ва Туркия ҳаво йўллари (Turkish Airlines) компанияси ҳомийлигида ўтказилди. Халқаро анжуманнинг асосий мақсади, дунё миқёсида аҳоли саломатлигини муҳофаза, соғлиқни сақлашни глобаллаштириш ва аккредитация қилиш, туризмда инвестиция, халқаро ҳамкорлик, технология, ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилди.



Конгресс иши инглиз, турк ва рус тилларида олиб борилди. Мазкур халқаро анжуманда Туркия, АҚШ, БАА, Ироқ, Буюк Британия, Франция, Австрия, Канада, Германия, Швеция, Сурия, Албания ҳамда Россия, Украина, Қозоғистон, Ўзбекистон каби давлатлардан мингдан ортиқ соҳа мутахассислари, маҳаллий вакиллар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Конгрессни Туркия тиббиёт туризми ассоциацияси раиси Эмин Чақмоқ кириш сўзи билан очиб, тадбирнинг аҳамияти, айниқса инсонлар саломатлигини яхшилашда

тиббиёт туризмининг ривожлантириш ва бу борада барча давлат ташкилотларининг ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари муҳимлигини таъкидлаб ўтди. Таъкидлаш муҳимки, ушбу Туркия тиббиёт туризми ассоциацияси (Turkish Healthcare Travel Council) 2005 йили ташкил этилган бўлиб, айни кунда унинг дунё миқёсида 65 та офислари фаолият юритиб келмоқда. Тадбир бошида Туркия давлатининг вазирликлари ҳамда туризм компаниялари вакиллари сўзга чиқиб, мавзу доирасида ўз фикрларини билдириб ўтдилар.



Анжуман доирасида Туркия давлатининг етакчи клиникалари томонидан саломатлик туризмига оид кўргазмалар ташкил этилиб, юздан ортиқ маърузачилар долзарб мавзулар бўйича чиқиш қилдилар. Шу билан бирга группаларга бўлинган ҳолда секция ишлари олиб борилди. Бу жараёнда мутахассислар конгресс доирасидаги масалаларга жиддий ёндошган ҳолда ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, тақлифларни ўртага ташлашди. Бундан ташқари, анжуман доирасида Туркиянинг етакчи клиникаларида

фаолият юритаётган юқори малакали тиббиёт ходимлари билан ўзаро фикр ва тажриба алмашилди. Конгресс давомида Измир шаҳрининг етакчи клиникаларидан MedicalPark шифохонаси ҳамда Kayaizmir поликлиникаси тасарруфидаги физиотерапия бўлими фаолияти ва шарт-шароитлари билан яқиндан танишдик.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад шу бўлдики, давлатларда тиббиёт туризми соҳасини ривожлантириш орқали инсонлар саломатлигини яхшилаш, мустаҳкамлаш, шу жумладан, учинчи авлод вакиллари (геронтология) учун тиббиёт туризми орқали кенг имкониятлар яратиш масалалари кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Конгресс сўнггида тингланган маъруза, билдирилган фикр ва мулоҳазалар ўртага ташланиб, унинг асосида декларация қабул қилинди.

Ибодат **СОАТОВА**, журналист.
Тошкент – Истамбул – Измир – Тошкент.
Муаллиф олган суратлар.

Признание

ЖИЗНЬ, ПОСВЯЩЕННАЯ МЕДИЦИНЕ

Одним из известных людей нашего края, который внес большой вклад в развитие здравоохранения республики, является А. Мамбеткаримов.

Он родился 6 мая 1943 года в Кегейлинском районе Республики Каракалпакстан. С детства мечтал стать врачом. Самым большим его желанием было лечить больных людей, избавлять их от боли. Причем он очень хотел стать детским врачом. Поэтому, закончив среднюю школу в 1960 году, поступил на педиатрический факультет ТашГосМИ.

Абдикерим Мамбеткаримов, будучи студентом, в г.Ташкенте нашел свою судьбу – прекрасную девушку Гульжамал, учившуюся на лечебном факультете того же мединститута. Вскоре они поженились, создали семью медиков.

После окончания вуза в 1966 году их направили на работу по специальности в Каракалпакстан. А. Мамбеткаримов назначили главным врачом сельской участковой больницы, а Гульжамал Алланазарову – участковым терапевтом там же. В том же году в семье родился их первенец – сын Гайрат ...

Молодые врачи Абдикерим и Гульжамал, выбравшие благородную профессию врача, всецело отдавались своей любимой работе, не считаясь со временем, внедряли в сельской местности в практику полученные знания и передовые достижения медицинской науки. Они работали не только в будние дни, а также в воскресные и праздничные, иногда подряд ночью, когда вдруг кому-то из односельчан срочно нужна была медицинская помощь.

Их сразу полюбили односельчане. Они не только лечили людей, детей, беременных женщин, но и занимались профилактической работой.

Вскоре эту семью знали в районе все от мала до велика. Обращались к ним в любое время, зная, что они никогда не откажут в помощи. Им приходилось самим принимать роды, многие родители младенцев из чувства благодарности и уважения давали своим новорожденным их имя. Такое случается не часто в народе, но имена Абдикерим и Гульжамал встречаются часто в районе.

Будучи главным врачом СУБ А. Мамбеткаримов занимался укреплением материально-технической базы сельской участковой больницы. Так, в 1968 году по его инициативе методом хашара была построена амбулатория, состоящая из семи комнат, и пищевой блок. А чуть позже, в 1969 году, был построен забор по периметру больницы. Все эти постройки были построены из сырцового кирпича, который изготавливали сами участники хашара.

Энтузиазм молодого главного врача и его сотрудников, постоянное стремление к совершенствованию медицинской помощи населению при-

вели к тому, что СУБ была признана школой передового опыта в Кегейлинском районе.

В зоне внимания молодого главного врача были не только пациенты больницы, но и сотрудники. Так как в те годы район не был газифицирован, эта больница отапливалась дровами. Дрова зимой ежедневно привозились на повозке, запряженной лошадью. Содержание лошадей, снабжение дровами – всё это было на плечах хозяйственных работников больницы. На это уходили немалые средства и время. А. Мамбеткаримов добился выделения трактора с прицепом для перевозки дров, что значительно облегчило труд хозяйственных работников.

Инициативность, энтузиазм, грамотность, самоотверженность и самоотверженность в работе не остаются без внимания руководства района, и в 1973 году А. Мамбеткаримов назначается первым заместителем главного врача Кегейлинской ЦРБ. За три года работы на этой должности А. Мамбеткаримов еще раз проявил свои организаторские способности. Под его руководством организационно-методический кабинет ЦРБ был признан лучшим в республике. На базе этого кабинета проводились семинары-совещания с участием всех заместителей главных врачей ЦРБ и республиканских лечебно-профилактических учреждений по организационно-методической работе, семинары по изучению и внедрению в практику опыта организационно-методических кабинетов.

В 1974 году впервые в Республике Каракалпакстан по его инициативе и под его руководством проходил конкурс «Лучшая медсестра года». Этот конкурс проводился в Кегейлинской ЦРБ, а с 1975 года этот конкурс стал проводиться во всех городских и районных больницах республики. Эта традиция продолжается и по сегодняшний день.

В 1976 году А. Мамбеткаримов назначает главным врачом ЦРБ Нукусского района. Проработав в этой должности в течение пяти лет, он вновь проявил себя прекрасным организатором здравоохранения. Вот некоторые вехи его деятельности в этом районе: готовится проектно-сметная документация строительства ЦРБ на 105 коек, строительство типового здания ЦРБ, сдача в эксплуатацию в 1981 году,

обеспечение ЦРБ медицинской аппаратурой, оборудованием, мягким и твердым инвентарем; проведение семинаров-совещаний по оказанию медико-санитарной помощи сельскому населению в масштабе всей республики.

В 1981-1984 годах А. Мамбеткаримов работал в должности министра здравоохранения Республики Каракалпакстан. Он уделял большое внимание укреплению материально-технической базы лечебно-профилактических учреждений. В эти годы было начато строительство типовых ЦРБ в Турткульском, Элликалинском, Караузьяском, Тахтакупырском, Канлыккульском районах, городской объединенной больницы в городе Нукусе, республиканской инфекционной больницы, республиканской стоматологической поликлиники, Нукусского медицинского училища № 1, новых типовых зданий «Тиб-Таъминот» и кислородной станции. В эти же годы он являлся депутатом Верховного Совета Республики Каракалпакстан.

Настоящим испытанием для А. Мамбеткаримова стала его работа на самом ответственном участке работы – в Нукусском городском отделе здравоохранения, куда его переводят через несколько лет. Но и здесь он смог проявить себя как опытный, грамотный врач, хороший руководитель. К этому периоду жизни относятся его научные исследования по педиатрии. Он пишет статьи, публикует брошюры, монографии. К нему приходят известность и признание.

И все же главным для себя он считает практическую работу, лечение детей. Этим он не прекращал заниматься никогда. Вот уже 20 лет Абдикерим Мамбеткаримов возглавляет Республиканский детский противотуберкулезный санаторий. Под его началом трудятся более 200 человек. Здесь ежегодно получают профилактическое лечение более 1,5 тысячи детей в возрасте от 4 до 15 лет. Они не только лечатся, но и получают образование, изучая все дисциплины, предусмотренные школьной программой.

